



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
OLIV VA O'RTA MAXSUS  
TA'LIM VAZIRLIGI**



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
INNOVATSION  
RIVOJLANISH VAZIRLIGI**

# **BOSHLANG'ICH TA'LIMGA RAQAMLI TEXNOLOGIYALARNI TATBIQ ETISHNING ZAMONAVIY TENDENSIYALARI VA RIVOJLANISH OMILLARI**

**XALQARO ILMIIY-AMALIIY ANJUMANI**

## **MATERIALLARI**



-Барқарорлик (мустаҳкамлик) - тизимни белгиланган траекторияда ҳаракат қилиниш; сақлаб қолиш қобилияти, ҳар хил ички ва ташқи ачиқланишга қарамай белгиланган режа фаолиятини қўллаш.

Самарали таълим процессини бошқариш мумкин аниқ талабларни бажарса:

- ўқиш мақсадини шакллантириш;
- бошқарув процессини бошланғич даражасини аниқлаш;
- ўқув процессини асосий ўтмиш ҳолатини назарга олувчи ишлаш дастурини режалаштириш;
- ўқув процесси ҳолати тўғрисида маълум бир параметрлар орқали ахборот олиниши;
- олинган ахборотни қайта ишлаш, ўқув процессига тўғрилайдиган таъсирини кўрсатишини ишлаш ва киритиш.

Тадқиқот муаммони ишлаб чиқа туриб, яна бир мартаба такрор бошқарув - махсус фаолият шакли, ижтимоий тизимини фаолиятини тартибга солиш даражасини кўтариш орқали такомиллаштиришга қаратилган.

Бошқарув процессини мазмуни шундаги, фаолият мақсад - натижа ҳаракатга мослаши керак.

Бошланғич синф ўқувчиларининг ижодий фаолиятини бошқариш учун мактаб раҳбарияти, бошланғич синф ўқитувчилари бошланғич таълимда давлат таълим стандартларига асосан ўқувчиларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талабларни аниқ ва равшан билишлари лозимдир. Бошланғич таълимда давлат таълим стандартларига асосан 1-4 синфларда ўқувчиларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар улар эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар ҳар бир фан хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Агар она тили ўқув предмети бўйича ўқувчилар грамматик жиҳатдан тўғри ёзишни, равон фикрлаб, ёзма матнни тузишни; сон, от, феъл сўз туркумлари ва бошқаларни аниқлашни билишлари лозим бўлса, ўқиш дарсларида тўғри талаффуз этиб ўқиш ва ҳ.к., математикадан эса санок техникасини эгаллаш, натурал сонларни ўзаро таққослаш, математик атамалар маъносини тушуниш ва сонли ифодаларни ўқишда уларни қўллай олиш, миқдорлар орасидаги боғланишларни қўллаб, амалий мазмундаги масалаларни ечиш, геометрик фигураларга оид теварак-атрофдаги шаклларни таниш ва топа олиш кабилар талаб этилади.

Табиат ўқув фанидан эса жонли ва жонсиз табиатни тасаввур этиш ва билиш; ўз билганларини амалда қўллай олиш, инсон ва жамият соҳаси бўйича жисмоний камолотга оид, мусиқага оид, тасвирий санъатга оид, инсоннинг моддий ва маънавий эҳтиёжига оид, инсон меҳнати, фаолият турларини англашга доир талаблар қўйилган. Мазкур талаблар билимларни эгаллаб олиш жараёнида бажарилади.

Амалдаги дастурларда ижодий фаолиятни ривожлантиришга қаратилган бир мунча топшириқлар келтирилган, аммо уларнинг барчаси ҳам бошланғич синф ўқувчисини ижодий фаолиятга йўналтиради, дея олиш кийин. Қуйида айрим фанлар бўйича берилган топшириқларни таҳлил қиламиз. Масалан, 3-4-синфлар учун тузилган математика ўқув фани дастурида ўқувчиларда ижодий фаолиятни ривожлантиришга катта аҳамият берилган. Унда топқирликка доир масалалар, мантикий машқлар, геометрик шакллар яшаш ва уларни бир-биридан фарқлаш, расмлар, моделлардан, атрофдаги нарсалардан энг содда шаклларни топа олиш, вақтни идрок этиш ва кўз билан чамалашга, ақлий топқирликка доир ўйинлар; 4-синфда амалий ишлар, ривожлантирувчи машқлар: математик ўйинхона, математик фокуслар, арифметик мусобақалар, шеърый масалалар, ҳазил масалаларни қўллашга йўлланмалар берилганки, фанни ўқитишда ўқувчиларнинг қизиқишлари албатта, уларнинг ижодий фаолиятларини фаоллаштиради.

## **СИНФДА ВА СИНФДАН ТАШҚАРИ ЎҚИШ ДАСТУРИНИНГ МАЗМУНИ**

**А.Р.Ҳамроев (Ўзбекистон)**

**Х.Эргашева (Ўзбекистон)**

***Аннотация.** Бошланғич таълим стандарти мазкур таълим босқичининг ҳар бир таълим соҳаси учун белгиланган стандарт параметрлари, мазкур таълим соҳасининг модернизациялаштирилиши, таркибий қисмлари, таълим жараёнининг восита ва методлари ҳамда умумпедагогик, психологик, технологик тизими билан даражасини белгилаб беришга хизмат қилади. Бунда бутун эътибор бошланғич таълимнинг мақсади юзасидан узвийлик, тадрижийлик ва тўлақонлиликни сақлаб қолишга қаратилади.*

1-синфда савод ўргатиш якунлангач, ўқиш дарслари бошланади ва 2-4-синфларда изчил давом эттирилади.

Синфда ва синфдан ташқари ўқиш дастурининг мазмуни кичик ёшдаги ўқувчиларнинг бадиий-эстетик тафаккурини шакллантириш, интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш, одам ва оламга хос хусусиятлар билан таништириш, ўзлигини танитиш ҳамда она – ватанга муҳаббат уйғотиш мақсадларига хизмат қилади. Зеро, ўқиш таълими ўқувчиларнинг нутқ бойлигини ўстириш, мустақил фикрлашга ўргатиш орқали маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг муҳим омилidir. Шунинг учун ҳам ўқиш дарслари бошланғич таълим тизимида муҳим ўқув предмети сифатида таълим бериш, камол топтириш ва тарбиялаш воситаси ҳисобланади.

Компетенциявий ёндашув асосидаги ўқув дастурида ўқишга ўргатишнинг муҳим вазифалари сифатида қуйидагилар белгиланган:

- ўқувчиларнинг тўғри ва ифодали ўқиш малакаларини шакллантириш;
- ўқувчиларни асарларнинг адабий-эстетик хусусиятларини чуқур идрок этиш, уларда тасвирланган воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятини англаш ва муайян ҳулосалар чиқаришга тайёрлаш;
- ўқувчиларда юксак ахлоқий қарашлар ва нафосат туйғусини тарбиялаш;
- ўқувчиларни матн устида ишлашга ўргатиш;
- ўқувчиларнинг атроф-муҳит ҳақидаги билимларини бойитиш.

Бу вазифалар дастурда берилган бадиий асарлар, жумладан, халқ оғзаки ижоди намуналари асосида амалга оширилади. Ҳар бир синф ўқиш дастури қуйидаги масалаларни ўз ичига олади:

- ўқиш мавзулари ва ёд олиш учун асарлар тартиби;
- ўқиш кўникмаси ва малакаларига қўйиладиган талаблар;
- матн ва боғланишли нутқ устида ишлаш режаси;
- синфдан ташқари ўқишни тизимли тарзда ташкил этиш.

Ўқиш дастурини тузишда ғоявий-эстетик, мавсумий, тадрижий асослар ҳисобга олинган. Ундаги ўқув мазмуни ўқувчиларга таълим бериш, уларни тарбиялашда муҳим бўлган борлиқ ҳақидаги билимлар ва инсоний муносабатларни ўз ичига олади. Ўқувчиларни бадиий асарлар билан таништириш орқали китобхонлик маданиятини таркиб топтириш ўқиш дастурининг туб моҳиятини ташкил этади.

Жафокаш халқимизнинг ўтмишда босиб ўтган шонли йўли акс эттирилган асарларни ўқиш орқали ўқувчиларда тарихий билимлар шакллана боради. Она юрт дахлсизлиги йўлида аждодларимиз олиб борган мардонавор курашлар тарихи ҳақида ҳикоя қилинган асарлар ўқувчиларда ватанга муҳаббат туйғуларини тарбиялайди.

Бошланғич таълим ўқув дастуридан ўрин олган ватан мавзусидаги асарлар ўқувчиларни мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий, маданий - маърифий ҳаёти ва халқимизнинг бунёдкорлик йўлида олиб бораётган ишлари билан таништиришга ёрдам беради. Дастурнинг ватанга, инсон эътиқоди ва маънавиятига бағишланган мавзуларини ўрганиш ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий туйғуларини тарбиялашда алоҳида ўрин тутаяди. Истиклол туфайли эришган ютуқларимиз ҳақидаги асарлар миллий ғурур туйғуларини тарбиялашга хизмат қилади.

1-синфнинг ўқув йили охирида ўқувчилар ватан ва унинг табиати, миллий қадриятлар ҳақида кичик-кичик асарларни ўқийдилар. 2-синфда ватан, она табиат, истиқлол, кишиларнинг ҳаёти ва меҳнати, ахлоқий муносабатлар ҳақидаги шакл ва мазмун жиҳатдан унча мураккаб бўлмаган асарлар билан танишадилар.

3-4-синфлар ўқиш дастуридаги мавзулар кўлами анча кенг. Бу синфларда ўқиш дарсларининг каттагина қисми асарни ўқиш ва матн устида ишлашга қаратилади. Сухбатлар, ҳикоя қилишлар, дастлабки ўқишлар бадиий матнлар мазмуни билан узвий боғланган бўлиши, мавзуга қизиқиш уйғотиши, ўқувчиларни ҳис-ҳаяжон билан ўқишга тайёрлаши ва асарни тўғри тушунишга ёрдам бериши зарур.

Дарсда ўқувчиларнинг фаоллигини оширадиган, тасаввурларини бойитадиган усуллардан фойдаланиш, асарларни жанр мазмунидан келиб чиқиб, ролларга бўлиб ўқитиш, қаҳрамонлар номидан қайта ҳикоя қилиш, қаҳрамоннинг тақдири ҳақидаги ҳикояни давом эттириш, қизиқарли мавзуларда оғзаки ҳикоя туздириш каби ижодий топшириқлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Ўқиш дарсларини ўқувчиларда гўзалликка муҳаббат уйғотадиган, поклик туйғуларига озуқа берадиган, ҳиссиётни ўткирлаштирадиган, ақлни, фаҳм-фаросатни чархлайдиган, тасаввурларни бойитадиган, эстетик дидни ўстирадиган мусиқа ва тасвирий санъат фанлари билан узвий боғланган бўлиши керак. Ўқиш, мусиқа ва тасвирий санъат дарсларини ўзаро боғлаб уюштириш ўқувчиларда санъат асарларини тўғри тушуниш ва кадрлаш кўникмаларини ўстиради, уларнинг шахс сифатидаги маънавий қиёфасини шакллантиришга хизмат қилади.

Компетенциявий ёндашув асосидаги ДТСда адабий тушунчалар билан боғлиқ таълим

мазмунини белгиловчи кўрсаткичлар синфлар бўйича қуйидагича белгиланган:

- мавзу доираси: Ватан, ватан ўтмиши, ҳозирги тараққиёт, буюк алломалар, тарихий шахслар, халқ қаҳрамонлари, тенгдошлар ҳаёти, илм-фан, маърифат, маданият, мавсумий ўзгаришлар;

- адабий хусусиятлари: эртак, мақол, топишмоқ, тез айтиш, латифа, лоф, шеър, ҳикоя;
- сўзларни тўғри талаффуз қилиш; бўғинлаб ўқишдан онгли, сидирғасига, тез, тўғри, равон ва ифодали ўқишга эришиш;

- ўзбек ва хорижий болалар ёзувчилари асарларини ўқиш;
- ёзувчиларнинг исми-шарифи, асарларининг номлари ҳақида тўлароқ тушунча ҳосил қилиш;

- бадий асарларни шарҳли ва ифодали ўқиш;
- асар мазмуни ва воқеалари ўртасидаги боғланишни, қаҳрамонларнинг феъл-атворларини аниқлаш, қиёсий тавсифлаш;

- ўқиган асарлари юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини оғзаки ва ёзма тарзда изчил ифодалаш;

- сўз бойлигини ошира бориш ва нутқида фаол қўллаш;

- ўқиган асарлари юзасидан мустақил режа тузиш;

- бадий асарларни эстетик таҳлил қилиш;

- ўқиган асарлари юзасидан савол-топшириқлар тузиш;

- насрий асар мазмунини тўлиқ, қисқартириб, шахсини ўзгартириб ҳикоялаш;

- бадий асарларни ўзаро қиёслаб, тегишли хулосалар чиқариш.

Ўқув дастурининг “Синфда, синфдан ташқари ўқиш ва нутқ ўстириш“ бўлимида матн таҳлилида адабий тушунчалар устида ишлаш бўйича қуйидагича кўрсатмалар берилган:

1-синфда ўқувчилар матнни онгли, тўғри ва бўғинлаб сидирға ўқишни ўрганадилар. Олти-етти ёшли ўқувчиларнинг нутқини такомиллаштириш учун унинг нутқидаги камчиликларни ўқиш дарсларидагина эмас, балки барча фан юзасидан ўтказиладиган дарсларда ҳамда дарсдан ва мактабдан ташқари ўтказилган машғулотлар жараёнида ҳам тузатиб боришга алоҳида аҳамият бериш зарур. Ўқувчилар ўқилган асарлар юзасидан берилган саволларга жавоб беришга ўрганадилар. Матн устида ишлаш ўқитувчи раҳбарлигида олиб борилади.

2-синфда ўқувчиларда сўзларни тўлиқ, сидирғасига ўқиш малакаси шаклланади. Ўқишнинг тўғри ва ифодали бўлишига эришилади, ўқиш техникаси тезлашади. Бу синфда ўқувчилар матннинг айрим қисмларини, қисқа ҳикояларни ичда (овозсиз) мустақил ўқишга ўтадилар. Матн устида ишлаш мураккаблашиб боради, ўқувчилар ўқитувчи раҳбарлигида асарнинг асосий мазмунини аниқлайдилар, қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатини ифодаловчи сўз ва ибораларни топишга, воқеа-ҳодисаларни сўз билан тасвирлашга ўрганадилар. Уларда сўз бойлигига талаб ортади.

Нутқ равонлиги ва мазмунига эътибор кучаяди, луғати бойийди ва фаоллашади, нутқ суръати ошади, сўзларни тўғри қўллашга, овозни бошқаришга ўрганади.

3-синфда сўзларни бутунича сидирға ўқиш кўникмаси тўла шаклланади. Бу эса ўқувчиларнинг онгли ва ифодали ўқишга қўйилган талабларни ўстириш имкониятини беради.

Ўқиш дарсларида ўқувчиларнинг матн мазмунини ўзлаштириш устида мустақил ишлашга, ҳикоядаги воқеа-ҳодисаларнинг изчиллигини белгилашга, ўзаро боғланиш сабаб-натижаларини аниқлашларига алоҳида аҳамият берилади. Матннинг бадий хусусиятларини, тасвирий воситаларини аниқлаш устида ишлаш давом эттирилади.

Ўқувчиларни ўз нутқларида мақоллардан, ҳикматли сўз ва иборалардан фойдаланишга, сўзларни тўғри танлашга, гап қурилишидаги (сўзларнинг бир-бирига боғланишидан) тўғри фойдаланишга ўргатиш талаб этилади. Ўқиш дарсларида ўқувчиларнинг сўзларни адабий қоидаларга мувофиқ талаффуз этишлари талаб этилади.

4-синфда ўқувчилар сўзларни бўғинламай сидирға ўқишлари, матнни тез, тўғри, онгли ўқий олишлари керак. Бу синфда бўғинлаб ўқишга йўл қўйилмайди. Ўқувчилар ўқилган матн мазмунини мустақил равишда қайта ҳикоя қилишлари, матн юзасидан содда режа туза олишлари, унинг асосий мазмунини ажрата олишлари, матнни тўла, қисқартириб, танлаб қайта ҳикоялашлари зарур. Ифодали ўқиш ва ўзаро нутқий фаолият жараёнида ўқувчиларнинг адабий талаффуз меъёрлари шаклланади. Гапда сўзларнинг грамматик шаклларини тўғри қўллаш нутқининг равон ва ифодали бўлишига ёрдам беради.

Ўқув дастурида А1 даражадаги бошланғич синф ўқувчиларининг фанга оид адабий-нутқий компетенциясига қуйидаги талаблар билан ёндашилган. Ўқувчилар:

N. G. Dilova. O'QUVCHILARI BILIMINI FORMATIV BAHOLASH - TA'LIM SAMARADORLIGINI OSHIRISH OMILI.....	262
R.X.Jumayev, D.A.Ubaydullayeva. ONA TILI DARSLARIDA O'QUVCHILARNI SAVODLI YOZISHGA O'RGATISH USULLARI .....	265
Ю.Пўлотова, Ж.Рамазонова. БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРИШ .....	267
А.Р.Ҳамроев, Х.Эргашева. СИНФДА ВА СИНФДАН ТАШҚАРИ ЎҚИШ ДАСТУРИНИНГ МАЗМУНИ .....	268
А.Р.Ҳамроев, С.Бахтиёрова. «ЎҚИШ КИТОБИ» ДАРСЛИКЛАРИДАГИ ВАТАН МАВЗУСИ ИЛМИЙ-ОММАБОП АСАРЛАРНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ.....	271
Ю.Пўлотова, О.Итолмасова. БАДИИЙ МАТНЛАРДАГИ ФОНЕТИК, ЛЕКСИК БИРЛИКЛАРНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ОРҚАЛИ ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ПРАГМАТИК КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ ЎСТИРИШ.....	273
Ю.Пўлотова, О.Итолмасова. БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА АДАБИЙ ТУШУНЧАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ .....	275
А.Р.Ҳамроев, Г.Жумаева. ЎҚИШ ДАРСЛАРИДА БАДИИЙ МАТН УСТИДА ИШЛАШ.....	277
Z.T.Sharopova. BOSHLANG'ICH SINF TECHNOLOGIYA DARSLARINI GENDER TENGLIK VA FARQLAR ASOSIDA TASHKIL ETISH METODIKASI.....	278
M.A.Uktamova. "THE IMPORTANCE OF THE AUTHOR'S FAIRY TALE AND FOLKLORE IN PRIMARY SCHOOL LESSONS" .....	280
M.J. Turdiyeva, G. M. Davronova. TA'LIMDA INDIVIDUAL YONDASHUVLI TECHNOLOGIYANING AFZALLIKLARI.....	282
Э.Паноев. МУЛКНИ ҚАСДДАН НОБУД ҚИЛИШ ЁКИ УНГА ЗАРАР ЕТКАЗИШ ЖИНОЯТЛАРИНИНГ ТЕРГОВ ҚИЛИШ ХУСУСИЯТИ .....	284
Shazadayev Farhod. BOSHLANG'ICH TA'LIMYDA AXBOROT TECHNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISHNING INNOVATION USULLARI HAQIDA.....	285
Э.Паноев. МУЛК ҲУҚУҚИ-ДАХЛСИЗ ҲУҚУҚ.....	289